

салбий томонлари бундай ресурслардан асосан кутубхонанинг ичида фойдаланилиши, янги ахборот технологияларини ривожланиши билан қоғозсиз ахборот ташувчилар тез эскиради ва ўз долзарблигини йўқотади. Ижобий томонлари имконияти чекланган фойдаланувчилар аудиокитоблардан фойдаланиши, шунингдек, китобхонлар учун ҳам асарни узоқ вақт мутолаа қилмасдан, уни тинглаб қўйиши (асосан мактаб ўқувчилари), талабалар эса ўз вақтини тежаш мақсадида электрон ресурсларни флешкаларга юклаб олишлари каби бир қатор имкониятлар мавжуд.

Фондларни электрон ресурслар билан бутлаш асосан танлаб амалга оширилади, келиб тушишлар (мажбурий нусхалар, совға ва ҳады қилинган элек-

трон китоблар) жуда кам фоизни ташкил қилади. Кутубхоналарда жуда кўп фойдаланилаётган ва талаб қилинаётган электрон ресурс бу – аудиокитоблар. Ахборот-кутубхона муассасалари бугунги кун китобхонага энг янги электрон ва аудиокитоблар билан хизмат кўрсатишлари учун www.e-hilolnashr.uz сайтидан электрон ва аудиокитобларни харид қилишлари мумкин.

Ниятимиз, болалар қандай воситалар билан бўлса-да, сифатли китоблар ўқисин, шунда маънавиятли, зукко, шижоатли ёшларимиз сафи ортади. Бугун китобни кўлида тутган бола, эртага юрт эгаларидан бўлиши, шубҳасиз. Бунга ўзингизни масъул ва жавобгар ҳис қилинг!



Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар «Vilim» ахборот-кутубхона
маркази директори

КУТУБХОНА БОШҚАРУВИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ ДАВР ТАЛАБИДИР

Ўзбекистонлик ахборот-кутубхона соҳаси мутахассисларининг Америка Қўшма Штатларига хизмат сафари таассуротлари тўғрисида

International libraries, association and their experience play a crucial role in strengthening the development of our library staff, as well as organizing information and library services to meet the international standards. This article provides information about the USA's experience of the library staff to share Uzbekistan experiences, study state and public libraries, various projects, the roles and responsibilities of association and familiarize with the activities of various libraries.

АҚШ Давлат департаменти томонидан амалга оширилган "Кутубхона бошқаруви ва менежменти" дастурига асосан 2018 йил 22 январдан 9 февралгача Ўзбекистонлик бир гуруҳ кутубхона соҳаси вакиллари хизмат сафарида бўлиб қайтдик. Дастур иштирокчилари мамлакатимиз ахборот-кутубхона соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб бораётган Марат Раҳматуллаев (Тошкент ахборот технологиялари университети, Ахборот ва кутубхона тизими кафедраси профессори), Барно Ғаниева (Тошкент ахборот технологиялари университети, Ахборот ва кутубхона тизими кафедраси мудири), Нусрат Камиллов (Республика ахборот-кутубхона маркази директор ўринбосари), Бекзод Саттаров (Респу-

блика ахборот-кутубхона маркази, ахборот технологиялари бўлими мудири), Барно Шамсематова (Тошкент Ислом университети кутубхоначиси) ва каминалардан иборат эди.

Ушбу дастурнинг асосий мақсади:

- Америка жамиятидаги кутубхоналари бошқаруви, турли лойиҳалар ва ассоциациянинг роли ва вазифаларини ўрганиш;
- АҚШдаги турли кутубхоналар тизими ва фаолияти билан яқиндан танишиш;
- кутубхоналарда рақамли ва онлайн хизматлар бўйича замонавий ахборот технологияларини ўрганиш;
- АҚШ кутубхоналарида дастурлар ва фаоли-

ятни бошқарадиган сиёсат яратиш жараёни билан танишиш;

- миллий кутубхоналар ва рақамли архивлар фаолияти билан танишиш;

- ногирон фуқаролар учун кутубхона хизматлари;

- кутубхоналарда янги авлод, касбий ходимларни тайёрлаш;

- умумтаълим мактаблари кутубхонаси ва ўқувчиларнинг кутубхонадан фойдаланиш тажрибаси;

- махсус коллекциялар, жамоатчилик билан ишлаш, дастур ва маркетинг фаолиятини ўрганиш каби масалаларни ўзида мужассам этганлиги биз учун янада кенг қамровли тажриба алмашиш имкониятини яратди.

Хизмат сафари таассуротларини дунёда энг йирик кутубхоналар қаторидан ўрин олган, кутубхона соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассисда бир кўриш орзусини уйғотадиган Америка Қўшма Штатларининг Конгресс кутубхонасининг қисқача тарихи ва бугуни ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан бошламоқчиман.

Конгресс кутубхонаси 1800 йилда, АҚШ президенти Джон Адамс томонидан АҚШ пойтахтини Вашингтонга кўчириш тўғрисидаги қонун имзоланган йили ташкил топган. Бу қонунда “Конгресс учун зарур бўладиган китоблар”га ҳам изоҳ бериб ўтилган. Унинг бошланғич фонди 740 китоб ва 3 та харитадан иборат бўлиб, у Капитолий биносидан жой олган эди. 1814 йил августида Британия қўшинлари бостириб келиши натижасида, бинога ўт кўйилиб, кутубхона вайрон қилинган. Бу пайтларда АҚШнинг президенти Томас Джефферсон истейфога чиқиб, Монтичеллода яшаётган эди. У вайрон бўлган кутубхона ўрнига ўзининг шахсий кутубхонасини тақдим этади. 1815 йил январида Конгресс Джефферсоннинг 6487 та китобдан иборат коллекциясини сотиб олиш учун, 23.950 АҚШ долларини ажратади. Шу билан миллий кутубхонага асос солинади. Джефферсоннинг Америкада қонуний ҳукумат учун барча мавзулар аҳамиятли бўлиши лозим, деган таълимотига кўра Конгресс кутубхонаси фондиди кенг қамровли бутлашни ўзига асос қилиб олган. Икки марта вайроналик келтирган ёнғин ва Капитолийдаги жой танқислиги сабабли, Конгресс ўз кутубхонаси учун янги алоҳида иморат қуриш ҳақида қарор қабул қилиши натижасида 1897 йил 1 ноябрда очилган янги Конгресс кутубхонаси бебаҳо миллий ёдгорлик сифатида тан олинган. 1980 йилда кутубхона тарихига қўшган улкан ҳиссаси сабабли унга Томас Джефферсон номи берилди. Ҳозирги

иморатнинг иккинчи қаватида Томас Джефферсон кутубхонасига бағишланган кўргазма жой олган.

Конгресс кутубхонаси – АҚШнинг миллий кутубхонаси бўлиш билан бирга илмий тадқиқот кутубхонаси ҳам ҳисобланади. Бу Қўшма Штатлардаги қадимги федерал маданият муассасаси бўлиб, дунёдаги энг катта кутубхона ҳисобланади. Унинг ресурслари мавзу, формат ёки миллий чегаралар билан чекланиб қолмай, дунё бўйлаб 470 дан ортиқ тиллардаги тадқиқот материалларини қамраб олади, ҳар йили олинган китобларнинг учдан икки қисми инглиз тилидан бошқа тилларга таржима қилинади.

Конгресснинг биринчи кутубхоначиси Жон Ж. Бесклей бўлган ва унга кунига атиги икки доллар тўланганлиги тарихдан маълум, шунингдек, у Вакиллар палатасининг котиби сифатида ҳам хизмат қилган. Кутубхона АҚШда нашр этилган китоблар, хариталар, чизмалар ва диаграммаларни икки нусхада олади ва муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоялайди. Кутубхона хизматида АҚШда ижодий фаолиятнинг муаллифлик ҳуқуқини давлат тизими орқали таъминлаш ҳам кириши катта масъулият ва ишончнинг нишонасидир. Кутубхона “Америка фольклор маркази”, “Америка хотираси” каби лойиҳалар орқали саводхонлик ва Америка адабиётини тарғиб қилади.

Конгресс кутубхонаси дунёдаги энг йирик билим ва ижод намуналарининг хазинаси ҳисобланади. Унинг тинимсиз кўпайиб бораётган фонди 150 миллиондан ортиқ объектни ташкил қилиб, кутубхонанинг асосини китоблар, босма нашрлар, овозли ёзувлар, фото нусхалар, харита, нота, кинофильмлар ва қўлёзмалар ташкил этади. Буларга Американинг давлат арбоби Томас Джефферсон тўпламидан тортиб, энг янги материалларни ўз ичига олган замонавий маданият намуналари қиради.

Конгресс кутубхонаси томонидан 470 дан ортиқ тилда 32 миллиондан ортиқ каталоглаштирилган китоблар ва бошқа босма материаллар сақланади. Жумладан, 61 миллиондан ортиқ қўлёзмалар; Шимолий Америкадаги энг ноёб китоблар тўплами, Мустақиллик Декларациясининг лойиҳаси, 1 миллиондан ортиқ АҚШ ҳукумати нашрлари, сўнги уч асрда жаҳон газеталарининг 1 млн. 33000 та тўплами, 500000 микрофильмлар, жами 6000 дан ортиқ номдаги, 120 мингдан ортиқ мавзулардаги романлар тўплами, филмлар, 5,3 миллион харита, 3 миллион овозли ёзув, 14,7 миллиондан зиёд фотосуратлар, ноёб ва машҳур санъат асарлари ва меъморий чизмалардан иборат.

Кутубхонада кўплаб АҚШ тадқиқот ва университет кутубхоналари томонидан қўлланиладиган Конгресс Классификацияси (LCC - Library of Congress Classification) номли китоблар таснифи тизими ишлаб чиқилган ҳолда фаолият юритади. Кутубхона муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш жараёни бўйича қонуний институт сифатида фаолият олиб боради. Муаллифлик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказилган ноширлар ўзларининг барча нашр қилинган асарларининг тўлиқ нусхасини кутубхонага тақдим этиш тартиби ўрнатилган. Бу талаб мажбурий депозит деб номланади. АҚШда нашр қилинган қарийб 15000 та янги мақола кутубхонада ҳар иш кунида келиб тушади. Кутубхона ушбу асарларнинг барчасини доимий тўпламда сақламайди, гарчи кунига ўртача 12000 та ресурсни қўшсада, рад этилган ёки кам сўраладиган қисми бутун дунёдаги бошқа кутубхоналар билан савдоларда, федерал агентликларга тарқатилган ёки Қўшма Штатлардаги мактабларга, жамоаларга ва бошқа ташкилотларга совға сифатида тақдим қилинади.

Шунингдек, Кўзи ожизлар ва имконияти чекланган фуқаролар учун алоҳида бинода Миллий кутубхона хизмати ташкил этилган. Брайл шрифти ва аудиоматериалларни ёзади, кўпайтиради ва тарқатади. 1990 йилдан бошлаб дастлабки рақамлаштириш ишлари бошланган, бу эса мактаб ва кутубхоналарга тарқатиладиган лазер дисклар ва СД ларда рақамли равишда фойдаланиш имкониятини яратади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, АҚШ Конгресс кутубхонаси шу турдаги муассасалар орасида

дунёдаги энг йирик ва ноёбларидан бири, АҚШ давлатининг қонун чиқарувчи тизимига кирувчи энг қадимий маданий-маърифий институт ҳисобланади ҳамда Конгресс тадқиқот институти сифатида хизмат қилади. Конгресс аъзолари ва сенаторлар, шунингдек, АҚШнинг барча давлат идораларига хизмат қилади. Ҳар йили ушбу кутубхонанинг 18 та ўқиш залига 1,7 миллиондан зиёд меҳмонлар ташриф буюриши бизни жуда ҳайрон қолдирди. Бу ерда дунёнинг 470 дан ортиқ тилларидаги китоб фонди нусхалари, шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ўзбек тилидаги китоблар тўплами, фотосуратлар ва қўлёзмалар сақланишининг гувоҳи бўлдик. Айниқса дунё давлатлари тарихига, маданиятига оид адабиётлар залида шеърият мулкининг султони, бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкали ва ўзбек китобларидан иборат кўрғазманинг ташкил этилиши бизни янада ҳайратга солди.

Америка кутубхоналар ассоциацияси нафақат Қўшма Штатларда балки бутун дунёда кутубхоналарни қўллаб-қувватловчи ташкилот бўлиб 66 мингга яқин аъзолари бор. Уюшма 1876 йил 6 октябрда Филадельфияда ташкил этилган. Унинг асосий мақсади кутубхона хизматлари ва кутубхонани ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат. Шунингдек, таълимни рағбатлантириш ва ҳамма учун ахборотдан фойдаланишни таъминлаш мақсадида кутубхона, ахборот хизматлари, кутубхонашуносликни ривожлантириш ва такомиллаштиришда етакчилик қилади. Ассоциациясининг Вашингтондаги ваколатхонаси кутубхоналар ва уларнинг





фаолияти билан боғлиқ бўлган сиёсатни ва муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мониторинг қилиш, шунингдек, мунтазам равишда мамлакатдаги қонунчилик ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида кутубхоналарнинг фаол иштирокини таъминлаш билан шуғулланади. Яъни:

- кутубхона жамоаси эҳтиёжлари ва муаммолари тўғрисида ҳукуматга хабар бериш;
- кутубхоналарни қўллаб-қувватловчи шахсларни таъминлаш;
- ҳукумат ҳаракати ёки қонун лойиҳалари бўйича долзарб маълумотларни етказиш;
- Вашингтонда жойлашган бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан коалиция тузиш, муаммоларга қонун чиқарувчиларни жалб этиш ва кутубхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамоатчиликнинг асосий аъзолари тармоғини шакллантириш.

АҚШда федерал ҳукумат томонидан кутубхона ва музейларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва иш фаолиятга жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлган IMLS институти мавжуд экан, унинг асосий мақсади – кутубхоналар ва музейларга инновацияларни жорий этиш, жамоатчиликни (барча ёшдагилар учун) ўқитиш ва аҳолининг маданий ва фуқаролик фаоллигини янада оширишда яқиндан ёрдам беришдир. Ушбу муассаса соҳадаги етакчи ташкилот бўлиб, илмий тадқиқот олиб боради, грантлар ажратади, кутубхоналар ва музейлар амалга ошираётган ишларни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, музей ва кутубхоналар ривожланишига ҳисса қўшиб, уларнинг

маданий имкониятларини янада кенгайтиради, иқтисодий барқарорлигини ошириш билан бирга АҚШ президенти ва Конгресси томонидан фуқароларнинг ғояларини қўллаб-қувватлашини янада яхшилашга қаратилган режалари, сиёсати ва фаолияти ҳақида мазкур институтларга маслаҳат беради.

Сиэтл Халқ кутубхонаси Америка Қўшма Штатларидаги энг йирик шаҳар кутубхоналаридан бири. Биз кутубхона тизимининг тузилиши ва ишлаш усуллари, маркетинг дастурлари билан танишдик. Сиэтл Халқ кутубхонасида ҳам фаолиятни молиялаштириб турадиган алоҳида жамғарма мавжуд бўлиб, у одатдаги назорат ва китобларни чиқаришдан ташқари дастурларни ва хизматларни молиялаштиришни ҳам таъминлайди (шаҳар маъмурияти томонидан тақдим этилган маблағлардан ташқари); китобхоналарга кутубхона билан мулоқот қилишда қизиқарли тажрибага эга бўлиш имкониятини яратади; унинг ёрдами билан махсус хизмат кўрсатишга эҳтиёжманд одамлар учун технологиялар ва материаллар сотиб олиб беради; шунингдек, у аҳолининг муайян табақалари учун мўлжалланган махсус дастурларни ҳам молиялаштирадики, биз гувоҳи бўлган кутубхоналар фаолиятидаги шарт-шароит ва моддий техникавий таъминот буни исботлаб турибди.

Маълумки, кутубхона фаолиятини янада такомиллаштиришда кенг жамоатчилик, атрофдаги турли корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги жуда муҳим ҳисобланади. Америкада ушбу йўналиш бўйича жамоатчиликнинг кутубхоналар тизими учун хайр-эҳсон тўплашда ва бу хайр-эҳсонларни

бошқаришда ёрдам берадиган “Кутубхона дўстлари”нинг беғараз хизматлари менда алоҳида қизиқиш уйғотди. У асосан маблағларни сарфлаш ва унинг вазифаларини бажара олиши учун кутубхона тизимининг салоҳиятини кучайтириш бўйича қарор қабул қилади. Сиэтл Халқ кутубхонасида ташкил этилган “Кутубхона дўстлари” кутубхона тизимининг манфаатлари учун фаол равишда рақобатлашадиган, барча тадбирлар ҳақида маълумот берадиган ва бунинг учун маблағ тўплайдиган кўнгилчиларнинг оммавий ташкилоти ҳисобланади. Биз ушбу жамоатчилик ташкилотининг ўз вазифаларини бажара олиши учун кутубхона тизимининг имкониятларини қандай мустаҳкамлаш, фонд ташкил этиш сир-асрорлари ва тузилмаси тўғрисидаги фаолиятни ўрганиб, ўзимизда ҳам жорий этишни кўнгилга туғиб келдик.

Америкадаги кутубхона ходимларини тайёрлаш масаласига назар ташлайдиган бўлсак, Вашингтон Университети томонидан кутубхона ва ахборот фанларидан магистрларнинг тайёрланиши, бундан ташқари, кутубхоначилар учун ҳуқуқшунослик дастурлари ҳам мавжудлиги диққатга созовор. Янги авлодни профессионал кутубхоначилар қилиб тайёрлаш учун мўлжалланган ўқув дастурлари ҳақида умумий маълумот берилди. Ўқув дастури доирасида назарий тренинг ҳақиқий тажриба билан бирлаштирилганлиги ва ушбу дастурнинг ҳозирги замонда янги технологияларни ўзлаштириши, устунликлари ва кутубхоналарни ўзгартириш масалалари каби тажрибалар бизда қатта қизиқиш уйғотди.

Хорижий давлатга сафаринг пайтида ўз юртининг рамзий белгилари, маданий қадриятлари улуғланганлигини кўриш нақадар фахрли ва гаштли эканини гуруҳимизнинг барча аъзолари ҳис этди, менимча. Сиэтлдаги Кэпитол Хиллда жойлашган “Тошкент парки”га экскурсия ҳам алоҳида ва муҳим маълумотларни олишимизда яқиндан кўмак берди. Ташрифни “Тошкент – Сиэтл биродар шаҳар” уюшмасининг собиқ президенти жаноб Ден Петерсон ҳамкорлигида амалга оширилди. Тарихчилар Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги алоқалар тарихини 1971 йил билан боғлашади. Ўша пайтда Аляска авиакомпанияси раҳбарияти таклифига биноан, Тошкент шаҳар ижроқўми раиси Воҳид Козимов ўзининг Иркутск ва Сочи шаҳридаги ҳамкасблари билан Сиэтлга ташриф буюради. Сиэтлнинг ўша вақтдаги мэри ва Козимов жуда яқин дўст бўлиб кетишади ҳамда икки шаҳар ўртасидаги биродарлик алоқаларини ўрнатиш ташаббуси туғилади. Натижада, 1974 йилда Сиэтлда “Тошкент

парки” барпо этилганлиги, кейинчалик машҳур ҳайкалтарош Шарипо Яковнинг “Бахт куши – Семурғ” композицияси ушбу паркнинг кўркига айланганлиги, ўзбекистонлик фуқароларимиз миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни шу рамзий масканга келиб нишонлаш маросимлари тўғрисидаги маълумотлар қалбимизни фаҳрга тўлдирди.

Кутубхона, музей, архив ва университетларга ташрифдан ташқари гуруҳ аъзолари учун маданий-маърифий тадбирлар ҳам уюштирилди. Фольклор ва Джаз ансамблининг концертлари бизларга Америка санъати ва маданияти билан яқиндан танишиш имкониятини берди. Бундан ташқари, Америкаликлар оиласи томонидан уюштирилган меҳмондўстлик ҳамда эркин қурилган давра суҳбати орқали америка халқининг турмуш тарзи, оилавий муҳити, қадимий анъаналари билан яқиндан танишишга эришдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Америка кутубхоналарида бевосита китобхонларни жалб этишга хизмат қиладиган клуб ва тўғарақлар ишлари, айниқса болалар ва ўсмирлар тарбияси, уларнинг интеллектуал ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган самарали тажрибаларини ўрганишимиз ва ўз иш фаолиятимизга жорий этишимиз фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, ижодий изланиш, чуқур таҳлил қилиш орқали кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш, янги илғор инновацион ғояларни иш фаолиятига жорий этиш, давлат бюджетидан ташқари маблағ билан таъминлаш мақсадида “Кутубхоналар ассоциацияси”, “Кутубхона дўстлари”сингари нодавлат ноижорат ташкилотлар тузишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

АҚШ Департаменти томонидан уюштирилган “Кутубхона бошқаруви ва менежменти” дастури асосида олинган тажриба ва таассуротлар асосида алоҳида АКМ ўқув залига “Америка кутубхоналари тажрибасидан” мавзусида тарқатма материаллар асосида кўргазма ташкил этилди ва тақдимот тайёрланди. 15 февраль куни Республика ахборот-кутубхона марказидаги Директорлар кенгашида, 20 февраль куни эса «Bilim» ахборот-кутубхона марказида тақдимотлар ўтказилди.

Энг ривожланган давлатлар кутубхоналарининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, ҳозирги кунда кутубхона хизматини жаҳон андозалари асосида таҳлил ва ташкил қилишга ёрдам беради, бундай тадбирларни режа асосида ўтказиб бориш эса соҳа ходимларини ўз устида ишлашга, мунтазам ижодий изланишга чорлайди, деган умиддамиз.